

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАРНИ БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Tar.01.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЮЛДАШЕВ АВАЗБЕК АРИПЖОНОВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИДА РАҲБАР  
КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ВА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШНИНГ ТАРИХИЙ  
ТАҲЛИЛИ (1991-2020 йй.)**

**07.00.01 – Ўзбекистон тарихи**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation**

**Юлдашев Авазбек Арипжонович**

Ўзбекистон давлат бошқаруви тизимида раҳбар кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг тарихий таҳлили (1991-2020 йй.) ..... 3

**Юлдашев Авазбек Арипжонович**

Исторический анализ подготовки и переподготовки управленческих кадров в системе государственного управления в Узбекистане (1991-2020 гг.) ..... 25

**Yuldashev Avazbek Aripjonovich**

Historical analysis of training and retraining of management personnel in the system of public administration in Uzbekistan (1991-2020) ..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 51

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАРНИ БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Tar.01.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЮЛДАШЕВ АВАЗБЕК АРИПЖОНОВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИДА РАҲБАР  
КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ВА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШНИНГ ТАРИХИЙ  
ТАҲЛИЛИ (1991-2020 йй.)**

**07.00.01 – Ўзбекистон тарихи**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2021.1.PhD/Tar554 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.ik-tarix.nuu.uz](http://www.ik-tarix.nuu.uz)) ва «ZiyoNET» Ахборот таълим порталида ([www.ziyo.net.uz](http://www.ziyo.net.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Муртазаева Раҳбархон Хамидовна**  
тарих фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Эргашева Юлдуз Алимовна**  
тарих фанлари доктори, профессор

**Бобожонова Дилором Бобожоновна**  
тарих фанлари доктори, профессор


**Етакчи ташкилот:**

**Наманган давлат университети**

Диссертация ҳимояси Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Tar.01.04 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «17» 12 соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Мирзо Ғолиб кўчаси, Ўзбекистон Миллий университетининг тарих факультети, 1-қават, 110-аудитория. Тел.: (0371) 227-12-24; факс: (0371) 246-53-21, (0371) 246-02-24; e-mail: [nauka@nuu.uz](mailto:nauka@nuu.uz) Ўзбекистон Миллий университети).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин 17 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй, Бош бино.)

Диссертация автореферати 2021 йил «3» 12 кuni тарқатилди.  
(2021 йил «12» 02 даги 15 - рақамли реестр баённомаси)



**Х.Э.Юнусова**

Илмий даражаларни берувчи  
Илмий кенгаш раиси, т.ф.д.,  
профессор

**Б.Б.Хайназаров**

Илмий даражаларни берувчи  
Илмий кенгаш котиби, т.ф.б.ф.д.  
(PhD), доцент

**Н.У.Мусаев**

Илмий даражаларни берувчи  
Илмий кенгаш қошидаги илмий  
семинар раиси, т.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда жаҳон мамлакатларида иқтисодий тараққиётни барқарорлаштириш, камбағалликни қисқартириш, инсон ресурслари ва фан-техника ютуқларидан самарали фойдаланиш, этник ва диний низоларни олдини олиш ҳамда гендер тенгликни таъминлашда раҳбар кадрларнинг масъулияти, замонавий билим ва малакага эга эканлиги алоҳида аҳамият касб этмоқда. Давлат ва жамият олдида турган муаммоларнинг самарали ечимини топиш, давлат ва халқ манфаатларини тенг ҳимоя қилиш раҳбар кадрларнинг бевосита бошқарув маҳоратига ҳамда ёндашув услубига боғлиқ ҳисобланади. Шу боисдан, раҳбар кадрларни тўғри танлаш, уларни профессионал даражада қайта тайёрлаш, малакасини ошириш ва ёндашув услубларини такомиллаштириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бирига айланиб бормоқда.

Дунё миқёсида давлат бошқаруви тизими учун раҳбар кадрлар тайёрлашнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, минтақавий ва глобал аҳамияти ортиб, уларнинг аҳоли фаровонлиги таъминлаш, иқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш, мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш, диний ва этник низоларни олдини олиш ҳамда манфаатли дипломатик муносабатларни олиб боришдаги ўрни чуқур илмий тадқиқ қилинмоқда. Раҳбар кадрларни мамлакатларнинг миллий менталитети, анъанавий давлатчилиги асосларидаги бошқарув тизимига хос, аҳолининг ижтимоий-сиёсий маданиятига мос этиб тайёрлаш ҳамда уларнинг IQ (Intelligence Quotient), EQ (Emotional Quotient) даражаларини ошириш, “Hard skills”, “Soft skills” кўникмаларини ривожлантириш талаби тобора ортмоқда.

Мустақилликнинг сўнгги йилларида Ўзбекистонда давлат ҳокимияти ва бошқарув тизимини демократлаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида кўплаб ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу ислохотларни ҳаётга самарали жорий этишда малакали ва билимли раҳбар кадрларга талаб доимо юқори бўлган. Ўзбекистонни ривожланган мамлакатлар қаторига олиб чиқиш учун “ташаббускор ислохотчи бўлиб майдонга чиқадиган, стратегик фикр юритадиган, билимли ва малакали янги авлод кадрларини тарбиялашимиз зарур”<sup>1</sup>. Мустақил Ўзбекистон тарихида раҳбар кадрларни танлаш, тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимининг шаклланиши, ривожланиш босқичлари ҳамда амалга ошириш механизмларини тарихий жиҳатдан ўрганиш, шунингдек, бу соҳада эришилган янги тажрибаларни тарихий таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 4 январдаги ЎРҚ-496-ХII-сон “Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий ҳокимият идораларини қайта ташкил этиш тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 24 январь // Халқ сўзи, № 19 (7521) 25/01/2020.

ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2017 йил 8 сентябрь ПФ-5185-сон “Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2019 йил 3 октябрь ПФ-5843-сон “Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Мавзунинг ўрганилганлик даражаси<sup>2</sup>.** Мустақиллик йилларида Ўзбекистон бошқарув тизимидаги раҳбар кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш жараёнлари фанлараро тадқиқот сифатида илк маротаба тарихий таҳлиллар асосида ўрганилди. Бунда совет ва мустақиллик даврида тарихшунослик, сиёсатшунослик, жамиятшунослик, фалсафа, психология ҳамда менежмент каби фан соҳаларида яратилган маҳаллий ва хорижий адабиётлар шарҳланди ҳамда гуруҳларга ажратилган ҳолда таҳлил қилинди. Мавзу бўйича олиб борилган тадқиқот ишларининг таҳлили асосида мустақил Ўзбекистонда давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимидаги раҳбар кадрларни тайёрлаш жараёнлари, шунга ихтисослашган институтларни ташкил этилиши, уларнинг ривожлантириш жараёнлари, соҳага жорий этилган ислохотлар, уларнинг ютуқ ва камчиликлари яхлит бир тадқиқот сифатида тарихий нуқтаи назардан ўрганилмаганлиги аниқланган.

**Диссертация тадқиқот бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги.** Диссертация Ўзбекистон Миллий университетининг илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ Ф-1-88-сонли “Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ва маънавий ривожланишида бағрикенглик тамойилларининг роли (қадимги даврдан то ҳозирги кунгача)” (2017-2020 йй.) мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистон бошқарув тизимидаги раҳбар кадрларни тайёрлаш жараёнларини тарихий нуқтаи назардан ютуқ ва камчиликларини очиқ беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Ўзбекистонда давлат бошқаруви тизимининг ислоҳ этилиши ҳамда демократик ҳуқуқий давлат принципларини амалиётга жорий қилинишини тадқиқ этиш;

раҳбар кадрларни тайёрлаш тизимини модернизация қилиш жараёнлари ва унинг натижаларини очиқ бериш;

---

<sup>2</sup> Диссертациянинг “Раҳбар кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш жараёнларини ўрганилиши” деб номланган иккинчи параграфда батафсил таҳлил қилинган.

раҳбар кадрларни тайёрлаш ва малакасини оширишга ихтисослашган муассасаларнинг фаолият самарадорлигини ўрганиш;

Ўзбекистонда ёшлар ва хотин-қизларни раҳбарлик лавозимларига тайёрлаш ва тайинлаш ҳолатини очиқ бериш;

давлат бошқаруви тизимидаги раҳбар кадрлар фаолиятига салбий таъсир этувчи омиллар ва уларни жамият ҳаётига таъсирини очиқ бериш;

Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида раҳбар кадрларни тайёрлаш тизимига замонавий ёндашув ва технологияларни жорий қилиниши ҳамда уларнинг амалий натижаларини ёритиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 1991-2020 йилларда Ўзбекистонда раҳбар кадрларни тайёрлаш тизимининг шаклланиш ва ривожланиш тарихи белгиланган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни 1991-2020 йилларда Ўзбекистонда раҳбар кадрларни тайёрлаш жараёнлари, малака ошириш ва қайта тайёрлаш муассасаларининг фаолиятини такомиллаштириш ҳаракатлари, ҳуқуқий асосларини яратилиши ҳамда уларни ҳаётга татбиқ этилиши билан боғлиқ жараёнлар ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида хронологик таҳлил, ўзаро қиёслаш, тизимлилик, тарихийлик, фанлараро ва холислик тамойилларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистон Республикаси давлат хизматчиларининг касбий таълим мазмуни коммунистик мафкурадан ҳоли умумийлик ва демократлаштириш, таълимни инсонпарварлаштириш, унинг этно-минтақавий йўналишидан келиб чиққан ҳолда янги мутахассисликлар ва ихтисосликларни жорий этишга қаратилганлиги асосланган;

2000 йиллардан давлат хизматчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини ривожлантиришнинг етакчи тенденциялари таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш, уларнинг инфратузилмасини яратиш ва мустаҳкамлаш, ўқув-тарбия жараёнининг шакл ва усуллари такомиллаштириш ва яхлит комплексларни очиш каби давлат хизматчилари учун узлуксиз таълимнинг ҳудудий тизимини яратиш, уни ихтисослаштирилган кадрлар тайёрлашни кучайтиришга йўналтирилганлиги исботланган;

2008 йилдан сўнг мамлакатда иқтисодиётни барқарорлаштириш ҳамда ижтимоий фаровонликни таъминлаш борасида олиб борилган ислохотлар давлат хизматчиларидан ижтимоий-иқтисодий соҳадаги бошқарув билимларини такомиллаштириш зарурияти марказий ва ҳудудий ҳокимият органларининг кадрлар салоҳиятини шакллантириш борасидаги мақсадли фаолиятига асос бўлганлиги далилланган;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат бошқаруви академияси ҳудудий филиалларининг вилоятларда очилиши қуйи бўғин давлат хизматчиларининг ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича манзилли дастурлардаги иштирокини самарали ташкил қилишга, салоҳиятли ёш бошқарув кадрларини шакллантиришга хизмат қилаётганлиги

далилланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** куйидагилардан иборат:

Ўзбекистонда раҳбарларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш жараёнлари ўрганилиб, бу тизимни самарали ташкил этишда эътибор қаратадиган жиҳатлар очиб берилган;

Ўзбекистон давлат бошқаруви тизимидаги раҳбар кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш жараёнларини ўрганиш, ушбу соҳадаги ислохотлар мазмун-моҳияти, ютуқ ва камчиликларини таҳлил қилиш орқали Ўзбекистоннинг энг янги даври тарихини ёритишда қўлланилиши мумкин бўлган жиҳатлар аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотда тарих фанидаги метод ҳамда ёндашувларнинг қўлланилганлиги, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, архив материаллари, илмий адабиёт ва даврий матбуот каби бирламчи манбаларга асосланганлиги, хулоса, таклиф, тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистон бошқарув тизимидаги раҳбар кадрлар тайёрлаш муассасаларининг фаолияти, уларни такомиллаштириш босқичлари, раҳбарларни танлаб олиш ва қайта тайёрлаш жараёнлари, усул ҳамда услублари тўғрисидаги илмий-назарий билимларни янада чуқурлаштириш, ушбу масалага доир илмий хулосаларни амалиётга жорий этилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти давлат бошқаруви тизимидаги раҳбар кадрларни тайёрлашга қаратилган мақсадли чора-тадбирларни бажарилишига, уларни такомиллаштиришга ҳамда республика олий ўқув юртлари талабалари учун ўқув қўлланма ва дарсликларнинг мукамаллашувига хизмат қилиши билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбекистон давлат бошқаруви тизимида раҳбар кадрларни тайёрлаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар, олинган илмий натижалар ҳамда берилган таклиф ва тавсиялардан:

мустақилликнинг дастлабки йилларида раҳбар кадрларнинг тайёрлашда асосий эътибор бозор иқтисодиёти тамойилларини жорий қилинишидаги ижтимоий-иқтисодий қийинчиликлар юқини камайтириш учун рационал қарорлар қабул қила оладиган, юқори компетентли кадрларни тайёрлаш ва уларнинг профессионал салоҳиятини ривожлантириш орқали аҳоли фаровонлиги ва барқарорликни таъминлаш бўйича натижалардан Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг иш фаолиятини самарали ташкил этишда, номзодларни танлаб олиш, муносиб лавозимларга тавсия қилиш ва хизмат лавозимларида ўсиб боришларини мониторинг қилишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг 2020 йил 24 октябрдаги 01/4-18-23-458-сон далолатномаси). Натижада, ёшлар ишлари агентлигининг ҳудудий бошқарма ва бўлимлари, бошланғич ташкилотлари ходимларининг иш фаолиятини самарали ташкил этишга ҳамда меҳнат



унумдорлигини оширишга хизмат қилган;

мамлакатда раҳбар кадрлар тайёрлашга ихтисослашган муассасаларнинг бошқарув, молия, ҳарбий каби йўналишлар кесимида эътибор берилганлиги туфайли улар ўртасида рақобат муҳитининг йўқлиги, давлат хизматчиларини баҳолаш тизимининг жорий этилмаганлиги, реал эҳтиёжларга мос кадрлар “портрети” шакллантирилмаганлиги каби раҳбар кадрлар захира тизими институтининг шаклланишига тўсқинлик қилганига оид натижалардан Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг 2020 йилга мўлжалланган “Йўл харита”ларини ишлаб чиқишда ҳамда партия ходимларининг касбий билим ва малакасини оширишда, захира кадрлар учун ўқув курслари ташкил этишда фойдаланилган (Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий Кенгаши 2020 йил 27 октябрдаги 01-161-сон далолатномаси). Натижада, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг ҳудудий ва туман бўлимларида фаолият олиб бораётган ходимларнинг касбий малакасини оширишга хизмат қилган;

сўнгги йилларда раҳбар кадрларни тайёрлаш жараёнларига рақамли технологияларни жорий қилиш, ўқув дастурларини тайёрлашда бошқа таълим муассасалар мутахассисларини ҳам жалб қилган ҳолда очиклик, мослашувчанлик, индивидуаллик ҳамда интерфаоллик тамойилларига амал қилиниши кадрлар тайёрлаш салмоғининг ортиб, қулай вақт ва маконда таълим олиш имкониятини яратишга хизмат қилгани бўйича олинган натижалардан Наманган вилоят ҳокимлигида раҳбар ва захира кадрлар билан самарали иш ташкил этишда, уларни танлаб олиш ва малакасини тизимли ошириб боришда фойдаланилган (Наманган вилоят ҳокимлигининг 2020 йил 28 октябрдаги 06-18-3639-сон маълумотномаси). Натижада вилоят ва туман ҳокимликлари, ташкилот ва идораларда фаолият олиб бораётган ходимларнинг касбий малакасини оширишга самарали хизмат қилган.

2019 йилдан бошлаб, вакант лавозимларга номзодларни саралаб олишда “меритократия” тамойилларига мос “Давлат фуқаролик хизматчилари вакант лавозимларининг ягона очик портали” ([vacancy.argos.uz](http://vacancy.argos.uz))ни ишга туширилиши давлат фуқаролик хизматларига очик танлов асосида салоҳиятли кадрларни танлаб олишга ҳамда ривожланган давлат тажрибаси асосида “ақлли” бошқарув принципларини жорий қилишга имкон яратганлиги бўйича олинган натижалардан Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “O‘zbekiston tarixi” телеканалининг “Тақдимот” кўрсатуви сценарийсини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг 2021 йил 19 январдаги 02-40-80-сон маълумотномаси). Натижада телетомошабинларнинг Ўзбекистон тарихининг энг янги даврига оид билим ва кўникмаларини оширишга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқотнинг асосий мазмуни, натижа ва хулосалари бўйича жами 16 иш нашр этилган. Шундан

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертацияси асосий натижаларини чоп этишга тавсия қилинган нашрларда 8 та мақола (6 та республика, 2 та хорижий журналларда) чоп этилган.

**Диссертация тузилиши ва ҳажми.** Тадқиқот кириш, 9 та параграфни ўз ичига олган 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 156 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида танланган мавзунинг долзарблиги асосланиб, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети белгилаб олинган; тадқиқотнинг фан ва технологиялар тараққиётидаги устувор йўналишларга мослиги кўрсатилиб, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган; олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳолда назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган; тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, апробацияси бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Ўзбекистонда давлат бошқаруви тизимидаги раҳбар кадрлар тайёрлаш масаласининг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида давлат бошқаруви ва раҳбар кадрлар масаласининг назарий асослари, кадрлар тайёрлаш масаласининг тарихшунослиги ҳамда Ўзбекистонда давлат бошқаруви тизимларининг модернизация қилиш жараёнлари ёритиб берилган.

*“Давлат бошқаруви ҳамда раҳбар кадрлар масаласининг назарий асослари”* деб номланган биринчи параграфда давлат, давлат бошқарувининг тузилиши, шакллари, раҳбар шахси ва унинг бошқарув услублари, ёндашув хусусиятлари ёритилган.

Давлат, бошқарув ва раҳбарлик тушунчалари қадимдан мавжуд бўлиб, инсониятнинг давлатчилик тарихи давомида бу тушунчаларнинг мазмун-моҳияти ва қамрови тобора кенгайиб борган. Ижтимоий-сиёсий ҳаётда муҳим ўрин эгаллаган бу тушунчалар, жамиятни мувофиқлаштириш, ташкил этиш, назорат қилиш, тартибга солиш, ижтимоий муҳитни сақлаш ва ривожлантиришда асосий омил ҳисобланган.

“Давлат – мамлакат миқёсида жамиятни уюштириш масалаларини ҳал қилиш, унинг ташқи муносабатларини белгилаш ваколатлари бўлган ҳукмрон тузилма”<sup>3</sup> бўлиб, илк давлатлар хўжаликнинг ишлаб чиқарувчи шакллари – деҳқончилик, чорвачилик ва хунармандчилик ривожланган ҳудудларда пайдо бўлган<sup>4</sup>. Бошқарув давлатнинг асосий вазифаси ҳисобланиб, у давлатнинг деярли барча вазифаларини амалга оширишни ўз ичига қамраб олади ҳамда инсонларнинг тафаккур доираси, билим даражаси ва характерини ҳисобга олган ҳолда ёндашувни талаб этади. Қадимда ишлаб чиқариш ва ижтимоий меҳнат тақсимоти, ташқи ҳарбий босқинлардан ҳимояланиш зарурияти, жамоадаги урф-одатларни бажариш, жамиятнинг ижтимоий-амалий вазифалар жиҳатдан

<sup>3</sup> Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2004. – Б. 4.

<sup>4</sup> Эшов Б. Ўзбекистонда давлат ва маҳаллий бошқарув тарихи. – Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2012. – Б. 9.

бўлиниши бошқарувнинг пайдо бўлишга асос бўлиб хизмат қилган<sup>5</sup>.

Қадимги Шарқ алломалари ва давлат арбоблари давлат бошқаруви, раҳбарликнинг хусусиятлари ҳақида ўз қарашларини, тавсия ва таклифларини мерос қилиб қолдирганлар. Хусусан, Абу Наср Фаробий жамиятни бошқаришда шаҳар ҳокими ўн иккита ҳислат-фазилатни ўзида бирлаштирган бўлиши зарур деб ҳисоблайди. Агар барча ҳислатларга эга одам топилмаса, шу ҳислатларга эга одамлар гуруҳи бирлашиб шаҳарга ҳокимлик қилиши лозим дейди<sup>6</sup>. Низомулмулк “Ҳамма замонда ҳам диёнатли ва эътиқодли аслзода кишиларга вазифа берганлар. Агар қабул қилмаса, мажбур қилиб бўйнига қўйганлар, токи амал ярамас кишиларнинг қўлига ўтиб кетмасин. Шунда раъият тинч бўлиб, мулк яхши ном қозониб, подшоҳ эса фароғатда яшаган”<sup>7</sup> дея, давлат бошқарувида оқил кишилардан унумли фойдаланиш зарурлигини таъкидлаб ўтган. Буюк саркарда Амир Темурнинг фикрича, ҳеч бир мансабдор ўзига қўйилган талаблар даражасида мукамал фаолият юрита олмайди. Мансабдор ўз касбий маҳоратини ўз фаолиятида дуч келадиган хилма-хил ташвиш-муаммолар, чигалликларни ечиш давомида ошириб боради, бунинг учун эса, узоқ вақт талаб этилади<sup>8</sup>.

Раҳбарларнинг ёши, ижтимоий-иқтисодий мавқеи, маълумоти, амалий тажрибаси ҳамда ваколат ва мажбуриятлари раҳбарлик фаолиятига таъсир этувчи омиллар ҳисобланади. Жамоада ёши катта ходимлар тажриба манбаи ҳисобланса, ёшлар илғорлик, тезкорлик, мослашувчанлик ва яратувчанлик омили ҳисобланади. Билимсизлик, тажрибанинг етишмаслиги, киришувчанлик, яратувчанлик ва ташаббускорлик қобилиятларининг йўқлиги ҳамда таъмагирликка мойиллик эса, салбий омиллар саналади.

Ўта юқори интеллект ҳам шахсда юксак раҳбарлик маҳоратларини намоён қилишга ҳалақит беради. Раҳбарни қарор қабул қилишда ҳаддан ташқари ақл ишлатиши жараёни чўзиб юборишга сабаб бўлади. Шу сабабли мутахассислар, раҳбарда назарий ақлдан кўра, амалий ақл ривожланган бўлиши муҳимроқ деган хулосага келишган<sup>9</sup>.

Шу омилларни ҳисобга олган ҳолда, муносиб раҳбарларни танлаб олиш, уларни тизимли тайёрлаб бориш, уларнинг билим ва кўникмаларидан оқилона фойдаланиш муҳим ҳисобланади. Сиёсатшунос олим Ф.Равшановнинг фикрича, раҳбар кадрлар фаолиятига оид масалалар турли фанлар томонидан тадқиқ этилганда, раҳбар кадрлар муаммоси бўйича бир ёқлама хулосалар берилади. Улар раҳбарлар фаолиятига бир томонлама ўзгартиришлар киритиб, иккинчи томонини бошқа фан ёки бошқа вақтга қолдиришади. Бу эса, бошқарув ишларида тартибсизликни келтириб чиқаради. Шунга кўра, у раҳбарликни ҳар томонлама комплекс тадқиқ этиш ягона фан – раҳбар кадрлар танлаш ва

<sup>5</sup> Сагдуллаев А., Мавлонов Ў. Ўзбекистонда давлат бошқаруви тарихи (қадимги даврдан XIX асрнинг ўрталарига қадар). – Тошкент: Академия, 2007. – Б. 26-27.

<sup>6</sup> Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шаҳри. – Тошкент: “А.Қодирий номидаги Халқ мероси”, 1993. – Б. 159.

<sup>7</sup> Низомулмулк. Сиёсатнома (Сияр ул-мулк). Иккинчи тўлдирилган, қайта нашр. – Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2008. – Б. 147.

<sup>8</sup> Амир Темур Кўрагон. Темур тузуклари. – Тошкент: Fan va texnologiya, 2014. – Б. 196.

<sup>9</sup> Холбеков А., Жумаев Р., Умарова Н. ва бошқ. Бошқарувнинг ижтимоий-сиёсий йўналишлари. ДЖҚА. – Тошкент: Ғ.Ғулом ННМИУ, 2008. – Б. 496.

тайёрлашнинг сиёсий масалалари ёки раҳбаршунослик доирасида амалга оширилишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди<sup>10</sup>. Қ.Куранбоев эса, интеллектуал зиёлиларни жамиятнинг ички қуввати, уни олға етакловчи кучи, ислохотлар ва миллат тараққиёти ҳақида қайғурувчи тафаккур манбаи деб ҳисоблаб, уларни бошқарувга жалб этиш ижро самарадорлигини оширади деб таъкидлайди<sup>11</sup>.

“*Раҳбар кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш жараёнларини ўрганилиши*” деб номланган иккинчи параграфда раҳбар кадрлар тайёрлаш жараёнларини тарихшунослик, сиёсатшунослик, жамиятшунослик, фалсафа, психология ва менежмент соҳаси вакиллари томонидан ўрганилиши таҳлил қилинган.

Раҳбар кадрлар тайёрлаш жараёнларини ўрганилишига оид тадқиқот ишларини уч гуруҳга бўлиш мумкин.

1. Тарихий нуқтаи назардан ёзилган адабиётлар (совет ва мустақиллик даври);

2. Ижтимоий-гуманитар фанлар доирасида ёзилган адабиётлар;

3. Хорижий давлатларда яратилган адабиётларга ажратиш мумкин.

Биринчи гуруҳга алоқадор тарихий адабиётларнинг бир қисми совет даврида, яна бир қисми мустақиллик даврида ёзилган бўлиб, улар ёзилиши ва ёндашуви жиҳатдан бир-биридан фарқ қилган.

Хусусан, синфий ва мафкуравий босимлар ҳукмрон бўлган совет давридаги адабиётларнинг аксарияти коммунистик партиянинг раҳбар ҳамда ишчи кадрларини тайёрлаш амалиётига ёндошиб ёзилган. Муаллифлар ўрганилаётган масалаларни ҳолисона таҳлил қилиш, уларни танқидий ёритиш имконига эга бўлмаганлар. Адабиётларнинг асосий мазмуни ўрганилаётган ҳодисаларга ҳаддан ташқари мафкуравий ва сиёсий тус бериш, КПССнинг раҳбарлик ролини асослаб бериш, унинг кадрлар сиёсати соҳасида эришган муваффақиятларини устун даражада исботлашдан иборат бўлган<sup>12</sup>.

Ўзбекистон мустақил бўлгандан сўнг, кадрлар тайёрлаш жараёни, ундаги муаммо ва камчиликларни ҳолисона ёритиш имконияти вужудга келди. Бу даврда яратилган адабиётларда<sup>13</sup> Ўзбекистон ҳудудидаги илк давлатларда

<sup>10</sup> Равшанов Ф. Ўзбекистон Республикасида раҳбар кадрлар танлаш асослари. сиёс. фан. док. ... дисс. – Тошкент, 2009. – Б. 358.

<sup>11</sup> Куранбоев Қ. Давлат бошқарув кадрлари тизими: шаклланиш ва ривожланиш муаммолари (Сиёсий-ижтимоий жиҳатлари). сиёс. фан. док. ... дисс. – Тошкент, 2008. – Б. 250.

<sup>12</sup> Зиёмов Ш. Партиянинг ленинча кадрлар сиёсати // Ўзбекистон коммунисти – Тошкент, №3. 1980; Исмоилова Г. Ўзбекистонда хотин-қиз ишчи кадрлар тайёрлаш. – Тошкент: Ўзбекистон, 1983; Исхаков Ф. Партийное руководство повышением творческой активности рабочего класса. – Ташкент: Узбекистан, 1984; Тошмуродов Т. Кадрлар тайёрлаш ва улардан самарали фойдаланиш. – Ташкент: Узбекистан, 1985.

<sup>13</sup> Бурхонов Б. Ўзбекистон халқ хўжалигини раҳбар ходимлар билан таъминлаш: тажриба ва сабоқлар (20-30 йиллар). Тар. фан. ном. ... дисс. – Тошкент: 1994; Ата-Мирзаев О., Гентшке В., Муртазаева Р. Узбекистан многонациональный: историко-демографический аспект. Второе дополненное издание. – Ташкент: Янги аср авлоди, 2011; Бобожонова Д. Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар. – Тошкент: Шарқ, 1999; Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Энг қадимги даврдан Россия босқинига қадар. – Тошкент: Шарқ, 2000; Сагдуллаев А., Аминов Б., Мавлонов Ў., Норкулов Н. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. – Тошкент: Академия, 2000; Ртвеладзе Э., Саидов А., Абдуллаев Е. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва ҳуқуқ тарихидан лавҳалар. – Тошкент: Адолат, 2001; Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари / Мас. мух: Д.Алимова, Э.Ртвеладзе. – Тошкент: Шарқ, 2001; Юнусова Х. Ўзбекистонда совет давлатининг миллий сиёсати ва унинг оқибатлари (XX аср 80-йиллари мисолида) –

маҳаллий бошқарув анъаналарини шаклланиб, бугунги кунга қадар ривожланиб келиши илмий ўрганилган. Кадрлар салоҳияти ҳамда уларнинг давлат бошқарувидаги ўрни таҳлил қилинган.

Ижтимоий-гуманитар фанлар доирасида ёзилган иккинчи гуруҳ адабиётларига сиёсатшунос, ҳуқуқшунос, файласуфлар, социологлар ва психологлар томонидан яратилган тадқиқот ишларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Булар ичида сиёсатшунос олимлар<sup>14</sup> томонидан олиб борилган тадқиқотлар алоҳида аҳамиятга эга. Уларнинг тадқиқот ишларида Ўзбекистонда раҳбар кадрларни танлаш, тайёрлаш жараёнлари, давлат бошқарувида кадрлар тизимининг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари, муваффақиятли бошқарувда раҳбарнинг ахлоқи ҳамда касбий маданиятининг ўрни очиқ берилган.

Учинчи гуруҳ адабиётларига хорижда яратилган тадқиқот ишлари таалуқли бўлиб, уларда бевосита Ўзбекистондаги раҳбар кадрлар тайёрлаш жараёнлари акс эттирилган бўлмаса-да, муаллифлар ўзлари яшаган мамлакатлар мисолида бошқарув тизимига раҳбар кадрларни тайёрлаш масалаларини ёритганлар<sup>15</sup>.

Юқорида қайд этилган тадқиқот ишларида мустақил Ўзбекистонда давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимидаги раҳбар кадрларни тайёрлаш жараёнлари, шунга ихтисослашган институтларни ташкил этилиши, уларнинг ривожлантириш жараёнлари, соҳага жорий этилган ислоҳотлар, уларнинг ютуқ ва камчиликлари яхлит бир тадқиқот сифатида тарихий нуқтаи назардан ўрганилмаган.

*“Ўзбекистонда давлат бошқаруви тизимининг модернизация қилиниши”* деб номланган учинчи параграфда, мустақил Ўзбекистонда янги давлат бошқаруви тизимини ташкил этиш ва ривожлантириш жараёнлари тадқиқ

---

Тошкент: Зар қалам, 2005; Азизхўжаев А. Чин ўзбек иши. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011; Ийманова Д. Ўзбекистонда совет тузумининг кадрлар сиёсати ва унинг оқибатлари (1945-1991 йиллар). Тар. фан. ном. ... дисс. – Тошкент, 2011; Эшов Б. Ўзбекистонда давлат ва маҳаллий бошқарув тарихи. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2012.

<sup>14</sup> Равшанов Ф. Ўзбекистон Республикасида раҳбар кадрлар танлаш асослари. сиёс. фан. док. ... дисс. – Тошкент: 2009; Қуранбоев Қ. Давлат бошқарув кадрлари тизими: шаклланиш ва ривожланиш муаммолари (Сиёсий-ижтимоий жиҳатлари). сиёс. фан. док. ... дисс. – Тошкент, 2008; Иброхимов О. Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсатининг янги тизимини шаклланиши ва амалга ошириш муаммолари. Сиёс. фан. ном. ... дисс. – Тошкент, 1997; Аҳмедов Х. Ислом Каримов асарларида раҳбар кадрлар тайёрлашнинг ижтимоий-сиёсий масалалари. Сиёс. фан. ном. ... дисс. – Тошкент, 2008; Машарипов И. Маънавий омилларнинг раҳбар кадрлар касбий маданиятини шакллантиришдаги ўрни. Сиёс. фан. ном. ... дисс. – Тошкент, 2009; Шакаров Ў. Раҳбар ахлоқи ва адолатли бошқарувни ташкил этиш муаммолари. сиёс. фан. бўй. фал. док. (PhD) ... дисс. – Тошкент, 2018; Атамуратов М. Ўзбекистонда раҳбар ва бошқарув кадрлар тизимининг модернизациялашиш жараёни. сиёс. фан. бўй. фал. док. (PhD) ... дисс. – Тошкент, 2018; Юсубов Ж. Ўзбекистонда давлат хизмати соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимининг такомиллаштирилиши. сиёс. фан. бўй. фал. док. (PhD) ... дисс. – Тошкент, 2018.

<sup>15</sup> Harlow C., Rawlings R. Law and Administration. – NY: Cambridge, 2009; Андрюшкин Р. Кадровое обеспечение государственной службы. Дисс. ... канд. юрид. наук. СПб., 2001; Байков Н. Кадровый потенциал органов государственной власти и муниципального управления: Социологический анализ. Дисс. ... докт. соц. наук. – М., 2002; Габутдинова Л. Развитие региональной системы профессиональной подготовки государственных служащих в Республике Татарстан в конце XX - начале XXI вв. Дисс. ... канд. пед. наук. – Казань, 2007; Минаева Н. Подготовка управленческих кадров в Республике Коми: середина 1980-х-1990-е гг.): исторический опыт. Дисс. ... канд. ист. наук. – Йошкар-Ола, 2009; Peters G., Pierre J. Public administration. – London: SAGE Publications Ltd; Second edition, 2012; Luzgina A. International Practice in Building e-Government System // BEROC Policy Paper Series, 2016.

этилган.

1991 йилдан бошлаб, Ўзбекистонда бошқарувнинг “президентлик республика” шакли асосида давлат қурилиши ва бошқаруви ислоҳ этиб борилди. 1995 йилда янги шаклдаги парламент – Олий Мажлис фаолиятини йўлга қўйилди. 2003 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентини Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ҳисобланишига доир қоида чиқариб ташланди<sup>16</sup>. 2005 йилда икки палатали парламентни ташкил этилиши<sup>17</sup> ҳамда ҳукуматни шакллантириш ва фаолиятини назорат қилишда парламентнинг ролини кучайиб бориши мамлакатда давлат бошқаруви шаклини “президентлик республика”сидан аста-секин “аралаш республика”га айланиб боришига хизмат қилмоқда.

Давлат бошқарувини ривожланиши ҳамда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда маҳаллий раҳбарларнинг ваколатларини кенгайтирилиши раҳбарлардан бир пайтнинг ўзида универсаллик характери билан бирга, барча мураккаб вазиятларга жавоб бериш талабини оширди. Аввал раҳбарларнинг фаолияти асосан қишлоқ хўжалигида эришган натижаларга қараб баҳоланар эди<sup>18</sup>. Бугунги кунда эса, раҳбарларнинг фаолиятини КРІ (Key Performance Indicators- Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичи) тизими орқали баҳолаш йўлга қўйилмоқда. Бу мақсадларга эришиш учун ёрдам берувчи баҳолаш методикаси бўлиб, сифат ва миқдорий ўлчов индикаторлари орқали натижадорлик кўрсаткичлари аниқланади. Афзаллиги шундаки, бу раҳбар ва ходимларнинг масъулиятини оширишга хизмат қилади, шунингдек, стратегик ва тактик мақсадларни ишлаб чиқишга, эътибор қаратиш лозим бўлган жиҳатларни аниқлашга, фаолият натижаларини баҳолаб боришга ёрдам беради.

Диссертациянинг **“Ўзбекистонда давлат бошқаруви тизимидаги раҳбар кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш жараёнлари”** номли иккинчи бобида раҳбар кадрларни тайёрлашга ихтисослашган муассасаларнинг фаолияти ва ривожланиш жараёнлари ёритилган.

*“Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг раҳбар кадрларни тайёрлашдаги ўрни”* деб номланган биринчи параграф Давлат бошқаруви академияси фаолиятига бағишланган.

1995 йил республикада юксак салоҳиятли, сиёсий ва маънавий жиҳатдан етук раҳбар кадрларни тайёрлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурида Давлат ва жамият қурилиши академияси ташкил этилди<sup>19</sup>. Унда “Давлат ва жамият қурилиш”, “Бозор иқтисодиёти асослари ва тамойиллари”, “Давлатлараро муносабатлар” ҳамда “Ташқи иқтисодий алоқалар” мутахассисликлари бўйича магистрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Бу даврда мамлакатда давлат қурилиши ва иқтисодиётини янги тамойиллар

<sup>16</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2003 йил 24 апрелдаги 470-II сонли Қонуни / Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 3-4-сон, 27-модда.

<sup>17</sup> Парламент тарихи / <http://parliament.gov.uz/uz/about/history/index.php>.

<sup>18</sup> Андижон вилоят давлат архиви, 734-фонд, 1-рўйхат, 761-иш, 26-варок.

<sup>19</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурида Давлат ва ижтимоий қурилиш академиясини ташкил этиш тўғрисида” 1995 йил 19 апрелдаги ПФ-1097-сонли Фармони / Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, 5-сон, 82-модда.

асосида ислоҳ этиш бошланиб, Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамият билан алоқалари тобора кенгайиб бораётган эди. Ушбу жараёнларда сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларнинг туб моҳиятини англай оладиган, мамлакатнинг халқаро муносабатларида фаол иштирок эта оладиган мутахассисларни тайёрлаш муҳим ҳисобланар эди. 1995-2012 йиллар давомида Академияда ушбу мутахассисликлар бўйича 2339 нафар тингловчилар таҳсил олди<sup>20</sup>.

Мустақилликнинг учинчи ўн йиллигида мамлакатда иқтисодий барқарорликни таъминлаш билан бирга, давлат ва жамият бошқарувида демократик тамойилларни мустаҳкамлаш, бошқарувни янада либераллаштириш ҳамда сиёсий институтларнинг фаолиятини кенгайтириш ҳаракатлари жадаллашди. Бу эса, Академиядаги мавжуд мутахассислик ва таълим шакллари ислоҳ этиш зарурлигини юзага чиқарди. 2012 йилда ушбу даргоҳ Давлат бошқаруви академияси номи билан қайтадан ташкил этилди<sup>21</sup> ҳамда “Давлат бошқаруви” ва “Жамият бошқаруви” мутахассисликлари бўйича 2 йиллик магистратура шакли жорий қилинди. 2015 йилдан эса, иқтисодиёт соҳасида менежмент, ижтимоий соҳада менежмент ҳамда ҳудудлар менежменти мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди<sup>22</sup>. Сабаби, бу даврда мамлакатда иқтисодиётни барқарорлаштириш ҳамда ижтимоий фаровонликни таъминлаш борасида олиб борилган ислоҳотлар давлат хизматчиларидан ижтимоий-иқтисодий соҳадаги бошқарув билимларини талаб қиларди.

2017 йилда Давлат бошқаруви академиясида ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган ҳолда кадрлар тайёрлаш дастурларини ишлаб чиқиши<sup>23</sup>, Академия қошида Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институтини ташкил этилиши<sup>24</sup>, 2018 йилда ҳудудий филиалларини ташкил этилиши<sup>25</sup> Академиянинг тингловчиларни кўпроқ қамраб олиш, ҳудудлардаги бошқарув кадрларнинг малакасини тизимли ошириб бориш имкониятини вужудга келтирди.

*“Банк-молия академияси ҳамда Бизнес ва тадбиркорлик олий мактабида раҳбар кадрларни тайёрлаш жараёнлари”* номли иккинчи параграфда ушбу муассасаларда иқтисодиёт сектори учун кадрлар тайёрлаш тизими ва уларни ривожлантириш ҳаракатлари таҳлил қилинган.

---

<sup>20</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг жорий архиви материаллари. 2020 йил 24 мартдаги 17/320-сонли маълумотнома.

<sup>21</sup> <https://dba.uz/uz/akademiya-%d2%b3a%d2%9bida/>.

<sup>22</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг жорий архиви материаллари. 2020 йил 24 мартдаги 17/320-сонли маълумотнома.

<sup>23</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 8 августдаги ПФ-5139-сонли Фармони / Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил 32-сон, 795-модда.

<sup>24</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви Академияси қошидаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 14 августдаги ПҚ-3206-сонли Қарори // <https://www.nogma.uz>.

<sup>25</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг ҳудудий филиалларини ташкил этиш тўғрисида” 2018 йил 6 августдаги ПҚ-3901-сон Қарори / Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 2018 йил 7 август. 09/18/3901/1620-сон.

1996 йилда молия-кредит тизими учун юқори малакали кадрларни тайёрлаш мақсадида олий таълим муассасаси ва илмий-тадқиқот маркази сифатида Банк-молия академияси ташкил этилиб<sup>26</sup>, унда бир йиллик магистратура ҳамда олти ойлик малака ошириш дастурлари бўйича ўқув курслари ташкил этилди<sup>27</sup>. Дастлаб тингловчилар 35 та фанлар бўйича тахсил олган бўлсалар<sup>28</sup>, кейинчалик ўқитиладиган фанлар сони 66 тага етказилди<sup>29</sup>.

Бугунги кунга қадар 3298 нафар магистр, 12000 дан ортиқ банк, молия ҳамда солиқ тузилмалари ходимлари қайта тайёрланди ва малакаси оширилди<sup>30</sup>. Ҳозирда 10 та мутахассисликлар бўйича магистрлар тайёрланмоқда ҳамда 4 ойлик қайта тайёрлаш ва 1 ойлик малака ошириш курслари ташкил этилмоқда<sup>31</sup>.

Иқтисодиёт ва менежмент соҳаси учун раҳбар ходимлар тайёрлашда Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби ҳам алоҳида ўринга эга. Ушбу муассаса дастлаб 2001 йилда Давлат ва жамият қурилиши академияси қошида Олий бизнес мактаби сифатида ташкил этилган<sup>32</sup>. Унинг Банк-молия академиясидан фарқли томони шундаки, Олий мактабда иқтисодиётнинг хусусий секторларида фаолият олиб бораётган мутахассис ва раҳбарлар билан бирга эркин талабгорлар ҳам тахсил олишлари мумкин. Ўқув дастурлари эса, бизнес соҳасини бошқариш, хусусий секторни ривожлантириш, лойиҳа ва корпоратив бошқарув билимларини ривожлантиришга қаратилган.

Ушбу Олий мактаб 2015 йилда Корпоратив бошқарув илмий-таълим марказига, 2018 йилда Бизнес ва бошқарув республика олий мактабига ҳамда 2020 йилда Бизнес ва тадбиркорлик олий мактабига айлантилди<sup>33</sup>. Ҳозирда “Бизнес бошқаруви магистри” ва “Лойиҳа бошқаруви” йўналиши бўйича магистрлар тайёрланмоқда. Шунингдек, IPMA (Халқаро лойиҳа бошқарув Ассоциацияси), ACCA (The Association of Chartered Certified Accountants) ва Person каби халқаро таълим ташкилотлар билан ҳамкорликда малака ошириш курслари ташкил этилмоқда<sup>34</sup>.

*“Суд-ҳуқуқ соҳаси бошқарув органларига раҳбар кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизими”* номли учинчи параграфда суд-ҳуқуқ органларида кадрлар эҳтиёжини қондириш ҳамда уларни тайёрлаш жараёнлари ёритилган.

<sup>26</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг Банк-молия академиясини ташкил этиш тўғрисида” 1996 йил 2 майдаги ПФ-1460-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 5-6-сон, 80-модда.

<sup>27</sup> ЎзМА, М-37-фонд, 1-рўйхат, 1335-иш, 163-варок.

<sup>28</sup> ЎзМА, М-37-фонд, 1-рўйхат, 1335-иш, 169-170-вароқлар.

<sup>29</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясининг фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида” 1996 йил 17 майдаги 180-сонли Қарори 1-илова // <https://lex.uz/docs/412011>.

<sup>30</sup> <http://bfa.uz>.

<sup>31</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясида бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” 2018 йил 30 июлдаги 599-сонли Қарори / Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 2018 йил 1 август. 09/18/599/1601-сон.

<sup>32</sup> ЎзМА, М-37-фонд, 1-рўйхат, 5807-иш, 281-282-вароқлар.

<sup>33</sup> <https://rgsbm.uz/uz/history>.

<sup>34</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Бизнес ва бошқарув республика олий мактаби жорий архиви материаллари. 01/03-3-484-сонли маълумотнома, 2-илова.



Истиқлол йилларида суд ҳокимиятининг нуфузини ошириш, одил судловни амалга ошириш мақсадида суд-ҳуқуқ органлари фаолияти такомиллаштириб борилди. Ўз навбатида, кадрлар эҳтиёжини қондириш ҳамда ходимларнинг малакасини ошириш жараёнлари ҳам ислоҳ этиб борилди. 1994 йил адлия ходимлари малакасини ошириш республика курслари негизида ташкил этилган Суд ва адлия органлари ходимлари малакасини ошириш институти<sup>35</sup> 1997 йилда Юристар малакасини ошириш марказига айлантирилди<sup>36</sup>. 1997-2019 йилларда ушбу Марказда 30 мингдан ортиқ тингловчилар қайта тайёрланди ва малакаси оширилди. Дастлаб, бир ўқув йилида ўртача 500-800 юрист ўқитилган бўлса, ҳозирда ўртача 3000 га яқин тингловчилар ўқитилмоқда<sup>37</sup>.

2001 йилда солиқ органлари тизими учун малакали кадрлар тайёрлаш мақсадида ташкил этилган Солиқ академиясида<sup>38</sup> 2 йиллик магистратура, 4 йиллик бакалавриатура ва қайта тайёрлаш курслари бўйича кадрлар тайёрлаб борилди. 2018 йилда ушбу Академия Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Малака ошириш марказига айлантирилди<sup>39</sup>. 2001-2018 йилларда Солиқ академиясида 1060 нафар бакалавр, 148 нафар магистрлар, 200 нафар тингловчи қайта тайёрланган<sup>40</sup>, ҳар йили уч мингдан зиёд ходимлар малака оширган бўлса<sup>41</sup>, Малака ошириш марказида, ўтган қисқа давр мобайнида 256 нафар тингловчи қайта тайёрланди, 4226 нафар тингловчи малака оширди, 14732 нафар тингловчи қисқа муддатли семинар ва ўқув курсларда иштирок этди<sup>42</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йилнинг 24 январида “Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида”ги 33-сон Қарорига асосан, 1992 йилда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш маркази фаолияти йўлга қўйилди. 1996 йилга қадар ушбу Марказ томонидан тизимдаги барча прокурор-тергов ходимлари аттестация қилинди ҳамда қонунчилик, ҳуқуқ тартиботни мустаҳкамлаш юзасидан масъулияти ошириб борилди<sup>43</sup>. Шундай бўлса-да, тизимда кадрларни танлаш, тайинлаш ва тарбиялаш ишларида камчиликлар мавжуд эди<sup>44</sup>. Уларни бартараф этиш

<sup>35</sup> Юристар малакасини ошириш маркази расмий веб-сайти. <http://uzmarkaz.uz/uzc/page/istoriya>.

<sup>36</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошида юристар малакасини ошириш марказини ташкил этиш тўғрисида” 1997 йил 21 июлдаги 364-сонли Қарори / <https://lex.uz/docs/768247>.

<sup>37</sup> <http://uzmarkaz.uz/uzc/page>.

<sup>38</sup> ЎзМА, М-37-фонд, 1-рўйхат, 5780-иш, 28-31-вароқлар.

<sup>39</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат солиқ хизмати органлари ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш чора-гадбирлари тўғрисида” 2018 йил 30 августдаги 704-сонли Қарори / Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 2018 йил 5 сентябрь. 09/18/704/1828-сон.

<sup>40</sup> Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги малака ошириш маркази жорий архиви материаллари. 01-123-сонли маълумотнома.

<sup>41</sup> Салоҳиятли кадрлар – мамлакатимиз келажаги // Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги ахборот хизмати, 2013 йил 16 сентябрь. <http://uza.uz/oz/society/saloiyatli-kadrlar-mamlakatimiz-kelazhagi-16.09.2013-28560>.

<sup>42</sup> Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги малака ошириш маркази жорий архиви материаллари. 01-123-сонли маълумотнома.

<sup>43</sup> ЎзМА, М-76-фонд, 1-рўйхат, 456-иш, 5-вароқ.

<sup>44</sup> ЎзМА, М-76-фонд, 1-рўйхат, 456-иш, 64-65-вароқлар.

мақсадида 2007 йилда ушбу Марказ негизида Бош прокуратуранинг Олий ўқув курслари ташкил этилди<sup>45</sup>. Унда раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш учун 6 ойлик, малакасини ошириш учун 1 ойлик курслар ташкил этилди. 2007-2017 йиллар давомида мазкур даргоҳда 4318 нафар ходим ўз малакасини оширди, 186 нафар раҳбар кадрлар қайта тайёрланди<sup>46</sup>.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида барча давлат идоралари қатори прокуратура тизимининг фаолияти ҳам қайта кўриб чиқилди. “Халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халққа хизмат қилиши керак” деган тамойилга асосан уларнинг иш услублари, таркибий тузилиши ва фаолият дастурлари ислоҳ этилди. Янги ёш кадрлар ишга қабул қилинди, ишлаётганлар ротация қилинди. Уларни сифатли ва замон талабларида тайёрлаш мақсадида 2018 йилда Бош прокуратура Олий ўқув курслари негизида Бош прокуратура Академияси ташкил этилди<sup>47</sup> ҳамда ўқув дастурларида тизимли таҳлил қилиш, фаолиятни режалаштириш, бошқарувчилик ҳамда кадрлар билан ишлаш кўникмаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Ҳозирда ушбу Академияда 3 та таълим дастури бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. 2018-2020 йилларда ушбу Академияда 10 мингдан ортиқ тингловчилар таълим олди<sup>48</sup>.

Диссертациянинг **“Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида раҳбар кадрлар билан ишлашда инновацион ёндашувлар”** деб номланган учинчи бобида раҳбар кадрлар фаолиятида коррупция ҳолатлари, унга қарши олиб борилган курашлар, ёшлар ва хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш ҳаракатлари ҳамда Ҳаракатлар стратегияси асосида давлат ва жамият қурилишида олиб борилган ислоҳотларнинг амалий натижалари ўрганилган.

*“Ўзбекистонда раҳбар кадрлар фаолиятидаги коррупция ҳолатларига қарши кураш жараёнлари”* деб номланган параграфда раҳбар кадрлар фаолиятидаги коррупция ҳолатлари ва унга қарши курашиш жараёнлари ёритилган.

Мамлакатда турли коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни олдини олиш мақсадида Жиноят кодексининг кўплаб моддаларида аниқ жазолар белгиланган<sup>49</sup> бўлишига қарамай, мустақилликнинг дастлабки йилларида мамлакатда коррупция ҳолатлари ортиб борди. Коррупцияга қарши курашиш бўйича “Transparency International” халқаро ташкилотининг ҳисоботларига кўра, Ўзбекистон 2000 йилда 90 та давлат орасида 79-ўринни, 2005 йилда 159 та

---

<sup>45</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курсларини ташкил этиш тўғрисида” 2007 йил 7 ноябрдаги ПҚ-727-сон Қарори / Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 46-47-сон, 464-модда.

<sup>46</sup> Коленко Е. Юқори малакали, илғор фикрлайдиган, замон талабларига жавоб берадиган кадрлар – тараққиётимиз кафолати // Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси Ахборотномаси. 2018 йил, 2-сон. – Б. 1.

<sup>47</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Прокуратура органлари кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 8 майдаги ПФ-5438-сонли Фармони / Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 2018 йил 10 май. 06/18/5438/1189-сон.

<sup>48</sup> Бош прокуратура Академияси ташкил топганлигининг икки йиллиги. 2020 йил 8 май. // <http://proacademy.uz/posts/0421>.

<sup>49</sup> Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирилиги. – Тошкент: Адолат, 2019. – Б. 149-151; 167-174.

давлат орасида 137-ўринни ҳамда 2011 йилда 182 та давлат орасида 177-ўринни эгаллаб, умумий рейтингда тобора пастлаб борган<sup>50</sup>.

2008 йилда Ўзбекистонни БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясига, 2010 йилда Коррупцияга қарши курашиш тармоғининг Истанбул ҳаракатлар режасига қўшилиши мамлакатда коррупцияга қарши курашиш бўйича ислохотларнинг дастлабки муҳим қадамларидан бири бўлди. 2017 йил “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонуни, унинг ижросини таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарорини қабул қилиниши ҳамда 2020 йилда Коррупцияга қарши курашиш агентлигини ташкил этилиши – мамлакатда коррупцияга қарши тизимли кураш олиб боришда янги қадам бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан жамиятнинг барча аъзоларини “ҳалоллик вакцинаси” билан эмлаш зарурлигини қайта-қайта таъкидлашлари натижасида мамлакатда коррупция ҳолатлари аста-секин камая бошлади ҳамда Ўзбекистон “Transparency International” халқаро рейтингда 2016 йилда 176 та давлат орасида 156-ўринни, 2019 йилда 180 та давлат орасида 153-ўринни ва 2020 йилда 146-ўринни эгаллаб, умумий рейтингда ижобий кўтарилиб бормоқда<sup>51</sup>. 2020 йилда 2019 йилга нисбатан республика даражасидаги ходимларнинг жинойт содир этиши 77,5%га, вилоят даражасидаги ходимларнинг жинойт содир этиши 60,8%га камайди<sup>52</sup>.

*“Ўзбекистонда ёшлар ва хотин-қизларни раҳбар лавозимларга тайёрлаш ҳамда тайинлаш ҳолати”* деб номланган иккинчи параграфда Ўзбекистонда давлат бошқаруви тизимида ёшлар ва хотин-қизларнинг иштирок этиши ёритилган.

